

Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th Dec., 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

ЎРМОН ЁНҒОҒИ КЎЧАТЛАРИНИНГ УНУВЧАНЛИГИГА ЭКИШ МУДДАТЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

Эшанкулов Б. И.

Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти, катта илмий ходим

Эгамназаров Х. Ў.

Тошкент давлат аграр университети, таянч докторант

Аннотация

Катта майдонларда маданий ўрмонлар барпо этишда кўчат сифати муҳим аҳамиятга эга. Сифатли кўчат етиштиришда уруғ сифати, экиш ишларини сифатли ташкил этиш, кўчатларни парваришлаш ишларини ўз вақтида амалга ошириш каби бир қанча омилларга боғлиқ бўлади. Айниқса уруғларни унувчанлиги ва кўчатларни сақланиб қолишига таъсир этувчи омилларда эътиборли бўлишимиз талаб этилади. Ўрмон ёнғоғи уруғларини унувчанлигига экиш муддатлари ҳам таъсир этиши аниқланди.

Аннотация

Катта майдонларда маданий ўрмонлар барпо этишда кўчат сифати муҳим аҳамиятга эга. Сифатли кўчат етиштиришда уруғ сифати, экиш ишларини сифатли ташкил этиш, кўчатларни парваришлаш ишларини ўз вақтида амалга ошириш каби бир қанча омилларга боғлиқ бўлади. Айниқса уруғларни унувчанлиги ва кўчатларни сақланиб қолишига таъсир этувчи омилларда эътиборли бўлишимиз талаб этилади. Ўрмон ёнғоғи уруғларини унувчанлигига экиш муддатлари ҳам таъсир этиши аниқланди.

Аннотация

Качество саженцев имеет важное значение при создании культурных лесов на больших площадях. При выращивании качественной рассады это зависит от ряда факторов, таких как качество семян, качественная организация посадочных работ, своевременное осуществление ухода за рассадой. Особое внимание необходимо уделять факторам, влияющим на всхожесть семян и



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th Dec., 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

выживаемость рассады. Установлено, что на всхожесть семян фундука влияет время посадки.

Annotation

The quality of seedlings is important when creating cultural forests over large areas. When growing high-quality seedlings, this depends on a number of factors, such as the quality of the seeds, high-quality organization of planting work, and timely care of the seedlings. Particular attention should be paid to factors affecting seed germination and seedling survival. It has been established that the germination of hazelnut seeds is affected by planting time.

Кириш

Дунё бўйича турли мамлакатларда ўрмон ёнғоғининг 200 дан ортиқ навлари ва бир неча юзлаб шакллари ажратилган. Хорижий нав ва шакллар серҳосил, мевасининг ҳажми бўйича йирик, мағзи хуштаъм бўлиш билан бирга кеч гуллаши, чангчи ва уруғчи гулларининг гуллаш муддатлари ўзаро тўғри келиши билан бошқаларидан устун туради. Ўрмон ёнғоғи селекцияси ва маданий ўрмонларини барпо этиш бўйича Туркия, Италия, Озарбайжон, Эрон, Грузия, АҚШ, Чили, Испания, Хитой мамлакатларида кенг қамровли тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, маҳаллий ва хорижий навлар асосида коллекциялар барпо этилган.

Калит сўзлар: дарахт, бута, фасл, ёнғоқ, уруғ, стратификация, куз, баҳор.

Ключевые слова: дерево, куст, время года, орех, семя, стратификация, осень, весна.

Key words: tree, bush, season, nut, seed, stratification, autumn, spring.

Кириш

Ўзбекистонда ёнғоқмевалилар бўйича жуда кўплаб илмий-тадқиқотлар ўтказилмоқда [4,5,6]. Шундай бўлсада ўрмон ёнғоғи бўйича илмий-тадқиқот ишлари ўрмончи селекционер олимлар назаридан четда қолмоқда[1]. Оддий ўрмон ёнғоғи (*Corylus avellana* L.) бута бўлиб, бўйи 5 м га етади. Шохининг



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th Dec., 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

пўстлоғи силлиқ, кул-ғишт рангда. Новдаси кул-қўнғир раигда, тукль, куртаклари тухумсимон. Барглари юмалоқ, учли, туби юраксимон, чети ҳар хил тишчали. Феврал ойида барг ёзишдав олдин гуллайди. Уруғчи гуллари 2-5 тадан бўлиб, тўда тўда, қизил-қўнғир рангли тангачалар билан ўралган. Чангчи гуллари узун кучала ҳосил қилади, кучаласи осилиб туради. Меваси сентябр ойида етилади, 2-5 тадан бўлиб зич жойлашган бўлади. Ёнғоқчалари юмалоқ, диаметри 15-20 мм, етилиш олдидан пўсти тўқ жигар рангга киради. Илдизи бақувват, ўқ ва ён илдизлари яхши ривожланади. Ўрмон ёнғоғи 80 йил яшайди.

Бу ёнғоқ МДХ нинг Европа қисмида тарқалган. У Кавказда, Қримда, Ғарбий Европада ҳам учрайди. Ўзбекистонда тоғли ҳудудларда яхши ўсиб ҳосил беради. У сояга чидамли бўлиб, баланд дарахтлар тагида ҳам ўсаверади. Очиқ ерларда, нам тупроқли жойларда пархиш йўли билан ва ер ости поясини тупроққа бостириб қўйиш йўли билан осон кўпайтирилади. Унумдор ерларда яхши ўсади. Ёғочи оқиш рангда, қаттиқ, эгилувчан ва осон ёриладиган бўлади. Ундан бочкаларга гардиш ясалади. Пўстлоғи тери ошлаш учуи ишлатилади. Ёнғоғи янгилигида қовуриб истеъмол қилинади. У жуда мазали, сервитамин бўлади. Ўрмоншунослик ишларида аҳамиятга эга. Уни ихота ўрмон қаторлари барпо этиш, тоғ қияликларини ювилиб-кетишдан сақлаш мақсадида экиш тавсия қилинади [2, 3].

Тадқиқот натижалари

Барча дарахт ва бута турларидаги каби ўрмон ёнғоғида ҳам уруғларни экиш муддатларини аниқлаш муҳим ҳисобланади. Бизга маълумки ўрмон дарахт ва бута турларига қараб йилнинг тўртта фаслида ҳам экиш мумкин бўлсада, асосий экиш куз ва баҳор ойларига тўғри келади. Жуда кўп ўрмон дарахт турлари баҳорда уруғлари стратификация қилиб экилади. Стратификация - бу уруғларни нам қумга аралаштирилган ҳолда маълум муддат сақлаш ҳисобланади.



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th Dec., 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com



1-расм. Ўрмон ёнғоғи уруғларини стратификацияга қўйиш (уруғ усти кум билан ёпилади)

Ўзбекистоннинг турли худудлари бўйича ўрмон ёнғоғи меваси сентябр-октябр ойларида пишиб етилади. Бу эса уларни экиб куз ойларидадан экиш имкониятини беради. Бунинг учун кузда терилган уруғлар 3 кун ёйиб қўйиб қуритилади ва октябр ойининг учинчи ўн кунлигида экилади; кузда уруғлар териб олингандан сўнг экилгунга қадар бир ой стратификацияга қўйилади; кузда терилган уруғлар баҳоргача стратификацияга (5 ой) қўйилади ва кўкламда экилади; баҳорда уруғлар экилади.

1-жадвал Ўрмон ёнғоғи кўчатларининг унувчанлигига экиш муддатларининг таъсири

т/р	Экиш муддати	Унувчанлик, %
1.	Октябр	74
2.	Октябр (1 ой стратификацияланган уруғлар)	55
3.	Феврал-март (5 ой стратификацияланган уруғлар)	45
4.	Феврал -март	20



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th Dec., 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

1-жадвалдан ўрмон ёнғоғи октябр ойининг учинчи ўн кунлигида уруғларни экиш энг юқори 74% ни ташкил қилди. Уруғлар териб олингандан сўнг октябр ойигача стратификация қилинган уруғларда унувчанлик 555 ни ташкил қилди. Уруғлар терилгандан кўкламги экишгача бўлган даврда стратификация қилинганда унувчанлик 45% ни ташкил қилган бўлса, баҳорда ҳеч қандай уруғларни тайёрламасдан экилганда бу кўрсаткич 20% га етди.

Хулоса

Ўтказилган тажрибалар натижасига кўра ўрмон ёнғоғини кўчатларини етиштириш учун уруғлар терилгандан бир ойдан кейин, яъни октябр ойининг охириги ўн кунлигидан декабр ойининг биринчи ўн кунлиги оралиғида экиш керакли аниқланди. баҳорги экишлар яхши натижа бермади.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Аблаев С.М., Юлдашов Я.Х. Эшанкулов Б.И. “Лесные культуры” Ташкент. 2012
2. Булыгин Н.Е. Дендрология. Ленинград “Агропромиздат”-1991. С.192-193.
3. Кайимов А.К., Бердиев Э.Т. Дендрология. “Фан ва технология” Тошкент-2012. 243-245 б.
4. Эшанкулов Б.И., Охунов М.А. Наманган ва Мингбулоқ туманидаги оддий бодом экошакллари ёнғоқмеваларини дастлабки баҳолаш. Хоразм Маъмун академияси. Урганч. 2023. 311-315 б.
5. Эшанкулов Б.И., Худайназарова Н.Х. Ўзбекистонда мавжуд хандон пистанинг хорижий навлари уруғ авлоди плантацияларини таксацион кўрсаткичлари. ISSN: 2181-3337 |Scientists.uz International scientific journal science and innovation issue dedicated to the 80th anniversary of the academy of sciences of the Republic of Uzbekistan. 256-263 бетлар.
6. Эшанкулов Б.И., Эгамназаров Ҳ.Т. Ўрмон ёнғоғи уруғлари сифат кўрсаткичлари. Хоразм Маъмун академияси 2023-12/1 307-311 бетлар.

